

Мавзу: Сув хўжалиги тизимига сарфланаётган инвестицияларнинг асосий йўналишлари

Муаллиф: Намозов Жўрабек

Мавзу: Сув хўжалиги тизимиға сарфланаётган инвестицияларнинг асосий йўналишлари

Режа:

- 1. Сув хўжалиги тизимиға сарфланаётган
инвестициялар.**
- 2. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун
ажратилган инвестиция лойиҳалари.**
- 3. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини
яхшилашнинг Давлат дастури.**

1. Сув хўжалиги тизимига сарфланаётган инвестициялар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги қарори асосида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида 2017 йилда 13 та лойиҳа бўйича 181,49 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағларини ўзлаштириш режалаштирилган. Мазкур лойиҳалар бўйича 2017 йилда 198,77 млн. АҚШ доллари (109,5%) миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилган. Жумладан:

1. Ислом тараққиёт банки иштирокида “Хоразм вилояти Тошсоқа тизимидағи магистрал сұғориш каналларини қайта тиклаш” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 6 ноябрдаги ПҚ-1849-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 августдаги 282-сонли қарорлари асосида амалга оширилмоқда. Умумий қиймати 144,2 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, шундан 90,37 млн. доллари Ислом Тараққиёт Банки кредити, қолган қисми эса Ўзбекистон хукуматининг улушидир. 2017 йилда 17,98 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди. Жумладан Лойиҳа бошидан 146,2 км узунликда магистрал ва хўжаликларо каналлар қайта тикланди, 263 дона гидротехник иншоотлари курилди ва қайта тикланди. 4356341 м³ ҳажмда тупроқ ишлари, 80029 м³ ҳажмда бетон ишлари, 6999 м³ ҳажмда тош ишлари ва 230 тн. металлоконструкция ишлари бажарилди. 174286 м² майдонда гравий қопламали йўл ётқизилди.

2. Осиё тарраққиёт банки иштирокидаги “Аму-Бухоро машина канали тизимини қайта тиклаш” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 28 мартағи ПҚ-2156-сонли ва 2015 йил 25 августдаги ПҚ-2396-сонли қарорлари асосида амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 406,29 млн. АҚШ долларига teng бўлиб, шундан Осиё Таракқиёт Банки кредити 216,75 млн. АҚШ долларни, Япониянинг ЙСА фондининг маблағи 108,97 млн. долларни, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши эса 80,57 млн. АҚШ долларни ташкил этади. 2017 йилда 6,68 млн. АҚШ доллари микдорида кредит маблағлари ўзлаштирилиши ҳисобига 15,72 км каналлар тозаланди, 68 дона гидротехник иншоот ва 12 дона кузатув қудуклари қайта тикланди, 59,9 га ерлар лазер ёрдамида тақсимланди ва 59,39 га ерлар чуқур хайдалди.

З. Жаҳон банки иштироқида “Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 мартдаги ПҚ-2324-сонли қарори асосида амалга оширилмоқда. Лойиханинг умумий қиймати 376,714 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 161,8 млн. АҚШ доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 214,9 млн. АҚШ доллари Жаҳон банкининг қарз маблағларидир. 2017 йилда 2,58 млн. АҚШ доллари микдорида кредит маблағлари ўзлаштирилиши ҳисобига, Ўнг қирғоқ каналида З дона сув тўсувчи гидротехник иншоотлар таъмирланиб тикланди, З дона сув олиш иншооти қурилди, 15,0 км узунликдаги қисми механизм ёрдамида тозаланди ва Аққамиш каналида бир дона узунлиги 106 м, $D=1000$ мм бўлган темир қувурли акведук қурилди ҳамда каналнинг 1,5 км янги ўзани очилиб бетон қуйишга тайёрланиб қўйилиб, жами ушбу обьект бўйича 560 минг м³ тупроқ ва 2,59 минг м³ бетон ишилари бажарилди.

4. Ислом тараққиёт банки иштироқида “Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш (Хазарбоғ-Оққопчиғай каналлар тизимини қайта тиклаш)” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 апрелдаги ПҚ-2332-сонли қарори асосида амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 122,72 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 33,17 млн. доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва қолган қисми Ислом тараққиёт банкининг қарз маблағларидир. 2017 йилда 0,53 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди. Ҳозирда лойиҳа доирасида бош пудратчини аниқлаш бўйича тендер жараёнлари кетмоқда.

5. Жаҳон банки иштироқида “Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 2-босқич” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 16 сентябрдаги ПҚ-3282-сонли қарори асосида амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 228,2 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 83,3 млн. доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 144,9 млн. доллари Жаҳон банкининг қарз маблағларидир. Лойиҳа доирасида имзолланган қарз битими 2017 йилнинг 29 декабрда кучга кирди.

6. Хитой Ҳалқ Республикаси Ҳукумати кредити иштирокида “Қашқадарё вилоятидаги “Дўстлик 1-2-3” насос станциясини қуриш” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 августдаги ПҚ-2570-сонли қарори асосида амалга оширилмоқда. Лойиҳасининг умумий қиймати 21,23 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 14,2 млн. АҚШ доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши, қолган қисми Хитой Ҳалқ Республикаси ҳукуматининг қарз маблағларидир. 2017 йилда 4,64 млн. АҚШ доллари микдорида кредит маблағлари ўзлаштирилиб, лойиҳа доирасида имзолланган шартномада белгилан барча асбоб ускуналар Қашқадарё вилоятига келтирилди.

7. Хитой Ҳалқ Республикаси Ҳукумати кредити иштирокида “Ирригация тизимларини каналарни тозалаш учун экскаватор ва бульдозерлар билан таъминлаш” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 августдаги ПҚ-2394-сонли қарори асосида амалга оширилмоқда. Лойиҳасининг умумий қиймати 14,22 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 3,16 млн. АҚШ доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши, қолган қисми Хитой Ҳалқ Республикаси ҳукуматининг қарз маблағларидир. 2017 йилда 2,0 млн. АҚШ доллари микдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди ва лойиҳа доирасида республикамизнинг барча вилоятларига 90 экскаватор ва 15 бульдозер келтирилди.

8. Хитой Ҳалқ Республикаси Ҳукумати кредити иштирокида “Земснарядларни ва уларга эҳтиёт қисмларни келтириш” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 11 мартдаги ПҚ-2144-сонли қарори асосида амалга оширилмоқда. Лойиҳасининг умумий қиймати 37,5 млн. АҚШ доллари бўлиб, 2017 йилда 6,62 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди ва лойиҳа доирасида каналларни ва коллекторларни тозалаш учун 17 земснарядлар келтирилди.

9. “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш” лойиҳаси Ҳалқаро тараққиёт ва тикланиш банки иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 сентябрдаги ПҚ-2410-сонли қарорига асосан амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 219,28 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 150,0 млн доллари Ҳалқаро тараққиёт ва тикланиш банки улуши, 34,20 млн АҚШ доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши, қолган қисми эса лойиҳа ташаббускорларининг улушидир. 2017 йилда 46,0 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди. 2017 йилда дехқон ва фермер хўжаликларига ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг 73 та суб-ложиҳаси молиялаштирилди.

10. “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришни қўллаб-куватлаш” лойиҳаси Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 22 январдаги ПҚ-2113-сонли қарорига асосан амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 28,33 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 20,44 млн АҚШ доллари Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси улуши, 1,68 млн АҚШ доллари Ўзбекистон Ҳукуматининг улуши, 5,24 млн доллари бенифициарлар улушидир. 2017 йилда 1,83 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди. Лойиҳанинг 1-компоненти доирасида Лаборатория жиҳозлари хариди ва курилиш ишлари амалга оширилмоқда.

11. “Ўзбекистоннинг сутчилик соҳасида кўшилган қиймат занжирини ривожлантириш” (Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида) лойиҳаси Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 февралдаги ПҚ-2795-сонли қарорига асосан амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 40,57 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 24,58 млн. АҚШ доллари Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармасининг улуши. 2017 йилда 4,0 млн. АҚШ доллари микдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди. 2017 йилда дехқон ва фермер хўжаликларига, ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарига 22 та суб-loyixa молиялаштирилди, шундан: 613 бош наслли қорамол харид қилиш мақсадида 14 та суб-loyixa; 10 тонна сутни қайта ишлайдиган ускун харид қилиш мақсадида 2 та суб-loyixa; 12 дона қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш мақсадида 4 та суб-loyixa; ветеринария дори дармонларини харид қилиш мақсадида 2 та суб-loyixa молиялаштирилди.

12. “Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг Орол денгизи ҳавzasига таъсирини юмшатиш дастури” (Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро ва Хоразм вилоятлари) лойиҳаси Ҳалқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПҚ-2784-сонли қарорига асосан амалга оширилмокда. Лойиҳанинг умумий қиймати 20,71 млн АҚШ долларини ташкил этади. 2017 йилда 4,0 млн. АҚШ доллари микдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди. 2017 йилда лойиҳани амалга ошириш натижасида, 9,1 га иссиқхона қуриш учун 8 та лойиҳага, сутни қайта ишлаш бўйича лойиҳага, 1 та товук фермасини модернизация қилишга ва сок ишлаб чиқариш лойиҳаси молиялаштирилган.


13. “Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қийматни яратиш занжирини ривожлантириш” лойиҳаси Осиё тараққиёт банки иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 мартдаги ПҚ-2813-сонли қарорига асосан амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 240,98 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 154 млн АҚШ доллари Осиё тараққиёт банкининг улуши. Лойиҳа бўйича 2017 йилда 101,90 млн. АҚШ доллари микдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди. 2017 йилда лойиҳани амалга ошириш натижасида 93,6 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлашга, 77,1 га иссиқхона қуришга, 32,7 минг тонна қувватлик музлаткичли омборхона қуришга ҳамда 1983 га интенсив боғлар яратишга эришилди.

2. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун ажратилган инвестиция лойиҳалари

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ, 2007 йилда Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ташкил этилди.
- Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008-2012 йиллар давомида 500 млн. АҚШ долларидан ортиқ маблағга эга Давлат дастури доирасида ишлар амалга оширилди.
- Мелиоратив ишларни амалга ошириш мақсадида, «Ўзмелиомашлизинг» Давлат лизинг компанияси ва 49 та Давлат унитар корхоналари ташкил этилди.



2003 - 2013 йиллар давомида ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун ажратилган чет эл инвестиция лойиҳалари



3. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг Давлат дастури

2008-2012 йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун 3560 км коллектор-дренаж тармоқлари, 143 дона мелиоратив насос станциялари, 797 дона вертикал дренажлар қурилди ва реконструкция қилинди.

Шу билан бирга, 67205 км коллектор-дренаж тармоқлари, 5407 дона вертикал дренажлар, 194 дона мелиоратив насос станциялари, 5426 дона трубали ўтказгичларга таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди.

**Давлат дастури доирасида мелиоратив тадбирларга ажратилган
маблағлар ҳамда амалға оширилған тадбирлар таҳлили**

Тадбирлар номи	Үлчов бирлигі	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2012 й.ни 2008 й.га нисбати, %
Мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш							
Үзлаштирилған маблағ	млрд. сүм	22,4	54,5	63,8	81,7	85,2	3,8 марта
Коллектор-дренаж тармоқлари	км	266,5	841,8	786,2	763,3	903,6	3,4 марта
Вертикал дренаж қудуклари	дона	-	249	193	191	164	-
Мелиоратив насос станциялар	дона	33	25	29	33	23	69,7
Мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш							
Үзлаштирилған маблағ	млрд. сүм	38,6	48,1	59,2	77,0	90,6	2,3 марта
Коллектор-дренаж тармоқлари	минг км	11,9	14,0	14,2	13,4	13,6	114,3
Вертикал дренаж қудуклари	дона	1539	1249	802	1002	815	52,9
Мелиоратив насос станциялар	дона	71	57	30	25	11	15,5
Мелиоратив техника, машина ва механизмлар харид қилиш							
Ажратилған маблағ	млрд. сүм	29,3	25,3	28,2	20,0	25,7	87,7
Жами техникалар сони	дона	382	338	335	203	192	50,3
<i>шу жумладан:</i>							
экскаватор	дона	180	130	149	69	72	40,0
бульдозер	дона	46	30	47	21	36	78,3
Жами маблағ:		90,4	127,9	151,2	178,6	201,5	2,2 марта

Мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш ишларини самарали бажариш натижасида ўтган даврда 1 млн. 700 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Бу жами экин экиладиган майдонларнинг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Ана шундай ишлар туфайли сизот сувлари энг оғир даражада, яъни 2 метргача юзада жойлашган ерлар қарийб 500 минг гектарга, ёки учдан бирга камайди, кучли ва ўртacha шўрланган ерлар эса 100 минг гектарга, ёки 12 фоизга қисқарди.

Мелиорация тадбирлари амалга оширилган экин майдонларида пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртacha 2-3 центнер, бошоқли дон экинлари бўйича эса 3-4 центнерга ошгани бу борада еришган энг муҳим натижалардан бири ҳисобланади.

2013 йил 19 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1958-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ, 2013-2017 йилларда фермер хўжаликлари ва ердан фойдаланувчилар учун давлат маблағлари ҳисобидан узоқ муддатли имтиёзли кредитлар берилади. Ушбу кредитлар 25 минг га майдонга томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш, 34 минг га майдонни қаттиқ шланглар ёрдамида суғориш, 45,6 минг га майдонни плёнка ётқизиб суғориш ишлари учун ажратилади.

Ушбу тадбирларни амалга оширган фермер хўжаликлари 5 йил давомида ер ва бошқа солиқлар тўловидан озод этилади.

2013-2017 йиллар даврида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури доирасида 2333 км суғориш тармоқлари, 5109 км коллектор-дренаж тармоқлари, 143 дона насос станциялари, 35 дона мелиоратив насос станциялари, 907 дона вертикал дренажлар қурилади ва реконструкция қилинади. 29258 км суғориш тармоқлари, 83589 км коллектор-дренаж тармоқлари, 21146 дона гидропостлар, 3639 дона вертикал дренажлар, 126 дона мелиоратив насос станциялари, 45549 дона гидротехника иншоотларига таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилади. Шу билан бирга, 836 дона янги мелиоратив техникалар, жумладан 303 дона экскаваторлар, 109 дона бульдозерлар ва 424 дона бошқа техника ва механизмлар сотиб олинади.

2013-2017 йилларда Давлат Дастирида белгиланган чоратадбирларни амалга ошириш натижасида қуидаги натижаларга эришилади:

- мелиоратив объектларнинг техник ҳолати яхшиланади ва 669 минг га ердан коллектор-дренажлар ёрдамида сизот сувларининг чиқарилиши таъминланади;
- 1 млн. 132 минг га суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади;
- тупроқнинг балл-бонитети лойиха ҳудудларида ўртача 2-3 баллга ошади;
- сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари, сув хўжалиги ишлари ва мелиоратив ишларига ихтисослашган корхоналар ҳамда сув истеъмолчилари уюшмаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, 836 дона янги мелиоратив техникалар ёрдамида мелиоратив техникалар парки янгиланади;
- 1160 та янги иш ўринлари яратилади.